

20 ____ йил “ ” даги
сонли буйрукка
7-илова

Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш тўғрисида
ШАРТНОМА № 171400980402

20 дйил « 26 сентябрь »

Мирмуз ш.

Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари агентлиги (ҳукукий вориси – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги) томонидан берилган 08.09.2014 йилдаги АА 0005149 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005150 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005151 сонли; 08.09.2014 йилдаги АА 0005152 сонли; 08.10.2019 йилдаги АА 0006976 сонли; 05.12.2019 йилдаги АА 0008015 сонли лицензиялар асосида олиб борувчи ва кейинги ўринларда “Оператор” деб аталувчи “Universal Mobile Systems” масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи “UMS” МЧЖ), ўз вакили – 2021 йил “06/12” даги 036571 сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи Амалотоъ ҲА. орқали бир томондан ва

кейинги ўринларда “Абонент” деб аталувчи Сурхандарёй вилоет ахборхати олимотиёз телекоммуникацияларни ўз вакили – Узбекстон з.н. Тараф асосида иш олиб борувчи орқали иккинчи томондан (биргаликда “Тарафлар”, алоҳида “Тараф” деб аталади) Мобил алоқа хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги ушбу шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

1. Атамалар ва таърифлар. Талқин.

Ушбу Шартнома бўлимларининг барча сарлавҳалари фақат улардан фойдаланиш (уларни ўқиши) кулагигина мўлжаллаб қўлланилди ва Шартнома шартлари талқинига ҳеч қандай тарзда таъсир кўрсатмайди.

Ушбу Шартнома мақсадлари учун қўйидаги асосий атамалар ва таърифлар қўлланилди:

Абонент – Оператор билан ушбу Шартномани имзолаган, товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилари билан бюджет ажратмалари бўйича шартномалари, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчалар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтганидан кейин кучга кирадиган бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағларини оловучи.

Абонент қурилмаси – абонент мулки бўлган ёки унга вактинча эгалик қилиш ва фойдаланишга берилган, телекоммуникациялар тармоқлари билан алоқа боғлаб, телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган ёки қабул қилинадиган сигналларни ҳосил қилиш, ўзгартиш, қайта ишлаш учун мўлжалланган техник восита.

Абонент қурилмаси Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқ ушбу турдаги ускуналарга қўйиладиган техник талабларга жавоб бериши, шунингдек ЎзР қонунчилигига кўзда тутилган ҳолларда мувофиқлик сертификати бўлиши керак.

Алоқа хизматларидан фойдаланиш учун Абонентга берилган SIM-карта қўйилган Абонент қурилмаси ёрдамида амалга оширилган хатти-харакатлар Абонент номидан амалга оширилган хисобланади.

Абонент рақами – Шартнома амал қиласиган давр учун Оператор томонидан Абонентга бериладиган рақам.

Алоҳида тоифадаги абонент рақами – рақамларнинг муайян изчиллиги (комбинацияси) билан ажralиб турадиган Абонент рақами бўлиб, у Оператор томонидан рақамларнинг ҳар бир тоифаси учун белгиланган тариф бўйича қўшимча ҳақ эвазига тақдим этилади.

Абонентга алоҳида тоифадаги абонент рақамини тақдим этиш тартиби Оператор томонидан мустакил равишда белгиланади. Алоҳида тоифадаги абонент рақамини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги батафсил ахборот Абонентга Операторнинг ўз оғисларида, шунингдек тегишли маълумотларни Операторнинг Веб-сайтида жойлаштириш, оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан, шунингдек Оператор маъқул топган бошқа усулларда етказилади.

Ушбу Шартнома матнида “Абонент рақами” дейилганда алоҳида тоифадаги абонент рақамлари ҳам тушунилади.

АҲҚТ – автоматлаштирилган хисоб-китоблар тизими (аппарат-дастурий комплекс) бўлиб, у Оператор билан Абонент ўртасидаги хисоб-китоблар автоматлаштирилишини таъминлаш, шунингдек кўрсатилган Алоқа хизматлари хисобини юритиш ва ахборотга ишлов бериш учун мўлжалланган.

Абонент тўлови – Тариф режаларининг ҳамда Алоҳида хизматлар тўпламлари ва бошқа хизматларни кўрсатиш шартларига мувофиқ, Оператор томонидан муайян (хисоб-китоб) даври (ої, чорак, йил ва ҳ.к.) учун Абонентдан ундириладиган, миқдори қатъий белгиланган тўлов бўлиб, у Абонент алоқа хизматларидан қанча ҳажмда фойдаланганидан қатъи назар, Оператор белгилаган миқдорда ва муддатларда Абонентнинг Шахсий (электрон) хисобварағидан чиқариб олинади.

Операторнинг Веб-сайти – Операторнинг www.mobi.uz электрон манзилида жойлашган ахборот ресурси.

Контент – Абонентнинг сўрови асосида SMS, MMS, GPRS орқали олинган, ахборот, кўнгилочар ёки бошқа тусдаги матнли ёхуд мультимедиа маълумотлари.

Контент-провайдер – Оператор тармоғи орқали Абонентларга тижорат асосида контент хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Контент-провайдерлар ҳамда улар кўрсатадиган Контент хизматлари рўйхати Операторнинг веб-сайтида, шунингдек Контент-провайдерларнинг веб-сайтларида бор.

Шахсий (электрон) хисобварак – Операторнинг автоматлаштирилган хисоб-китоблар тизимидағи тағсилӣй электрон хужжат бўлиб, Абонент фойдаланилаётган хизматлар ҳакини тўлаши учун мўлжалланган. Унда Алоқа хизматларидан фойдаланиш давомида Абонент тўлаган ва сарфлаган пул маблағлари тўғрисидаги ахборот пул эквивалентида сакланади.

Абонент тўлаган пул маблағларини ва улар ечиб олинишини Шахсий (электрон) хисобваракда акс эттириш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

Алоҳида хизматлар тўплами – Тариф режаси таркибига кирмаган муайян ҳажмдаги Алоқа хизматлари.

Оператор оғиси – Оператор Абонентларни қабул қиласидиган ва уларга хизмат кўрсатадиган, абонентларга оид маълумотлар базаси ҳамда Операторнинг фаолияти билан боғлиқ барча хужжатлар сакланадиган ва ишлов бериладиган хона, бино. Операторнинг бош оғиси ва унинг Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги Хизмат кўрсатиш марказлари жойлашган манзил, уларнинг иш вақти тўғрисидаги ахборот Операторнинг Веб-сайтида кўрсатилади ва зарурат бўлишига қараб (масалан, жойлашган манзил ўзгарган ва бошқа ҳолларда), белгиланган тартибда янгилаб борилади.

Дастлабки бўнак тўлови – Шартнома бўйича хизматлар умумий қийматининг 15%дан кам бўлмаган миқдордаги олдиндан тўлов суммаси.

Оператор тармоғига кириш имкониятини бериш – Абонентнинг Шахсий маълумотларига ишлов бериш ва уларни Операторнинг аппарат-дастурий комплексига киритиш борасида Оператор томонидан амалга ошириладиган хатти-ҳаракатлар. Абонент Дастлабки бўнак тўловини амалга оширганидан кейин Оператор тармоғига кириш имконига эга бўлади.

Радиотелефон орқали уланиш давомийлиги – бу, жавоб сигнали абонентнинг жавобига тенглаштирувчи чақирилаётган абонент ёки ускуна жавобининг биринчи сониясидан бошлаб чақираётган ёки чақирилаётган абонент ёхуд шундай ускуна алоқани узган лаҳзагача ўтган вақт оралиги.

Роуминг (Roaming) – Абонент Ўзбекистон Республикасидан ташкарида, бошқа мамлакатда бўлганида Абонент Оператор тармоғида дастлаб рўйхатдан ўтганидаги маълумотлар албатта сақланган ҳолда у бошқа мобил (уяли) алоқа операторининг тармоғига киришини таъминловчи алоқа хизмати. Операторнинг роуминг-ҳамкорлари, роуминг хизматларини кўрсатиш шартлари тўғрисидаги ахборот Оператор оғисларида ва/ёки Оператор веб-сайтида сакланади.

Радиотелефон орқали уланиш – иккита абонент қурилмаси, фойдаланувчи ўртасида ахборот алмашиш имконини таъминловчи радиотелефон алоқасини ўрнатиш. Бунда Абонент фойдаланувчиларнинг бири бўлади.

Оператор тармоғи – Абонентга Алоқа хизматларини тақдим этишда кўлланиладиган техник воситалар мажмуи (коммутация ва радио ускуналари, абонент қурилмалари, уланиш линиялари, иншоотлари ва х.к.).

Алоқа хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага оид Келишув (кейинги ўринларда – “Келишув”) – ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлиб, унда Абонент ҳақидаги, Абонентга берилган абонент рақами, Абонент танлаган Алоқа хизматлари, Абонент унга улаб берилган абонент рақамларидан фойдаланиш учун мўлжаллаган абонент қурилмаларининг турлари, тўловномани етказиб бериш усули тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек Шартноманинг бошка муҳим шартлари қайд этилади. Келишув Оператор томонидан Абонентга SIM-карта берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам ҳисобланади. Келишув Абонентга берилган ҳар бир абонент рақами ёки тариф режаси бўйича расмийлаштирилади.

Тариф – Алоқа хизматининг ўлчов бирлиги учун Оператор томонидан белгиланадиган нарх.

Тариф режаси – нархларга оид шартлар мажмуи бўлиб, Оператор улар асосида абонентларга ёхуд абонентларнинг муайян доирасига ёки чекланган ҳудудда бир ёки бир нечта мобил алоқа хизматларидан фойдаланишни таклиф қиласди.

Оператор Абонентга унинг учун маҳсус ишлаб чиқилган индивидуал тариф таклифлари асосида алоқа хизматларини тақдим этишга ҳақли.

Алоқа хизматларини кўрсатишга оид техник имконият – Операторнинг хизмат кўрсатиш ҳудудида Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатиш учун зарур ишлаб турган техник алоқа воситалари ва иншоотлари мавжудлиги.

Оператор тармоғига кириш учун рухсат бериш борасидаги техник имконият – Операторнинг рақам сифимида бўш рақамлар ва/ёки алоқа каналлари, шу жумладан, мавжуд радиочастота ресурсини ҳисобга олган ҳолда радиоканаллар мавжудлиги.

Алоқа хизматлари – Оператор Тармоғига кириш имкониятини бериш, радиосигналлар ёки маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва жўнатиш борасида тасдиқланган ва амалда бўлган Тарифларга ва (ёки) Тариф режаларига мувофик Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек Оператор ўзининг хизмат кўрсатиш автоматик тизимидан фойдаланган ҳолда Абонентга кўрсатадиган бошка хизматлар.

Оператор Алоқа хизматлари рўйхатини Оператор Тармоғининг Техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда белгилайди.

GPRS (General Packet Radio Service) – маълумотларни радиоканал орқали тўплам тарзида жўнатиш алоқа хизмати.

SMS (Short Message Service) – Абонентга қиска матнли хабарларни Абонент қурилмаси орқали (ундан фойдаланган ҳолда) юбориш ва олиш имконини берувчи Алоқа хизмати.

SIM-карта (Subscriber Identity Module) – микросхема ўрнатилган идентификация модули бўлиб, унинг ёрдамида Абонент қурилмаси идентификацияланиши, у мобил алоқа тармоғига кириши, шунингдек абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя таъминланади.

SIM-карта турли Абонент қурилмаларига ўрнатилганида Абонентнинг тармоқдаги барча кайдлари ва унга берилган Абонент рақами сақланиб қолади. SIM-карта/eSIM билан бажарилган барча хатти-харакатлар Абонент номидан амалга оширилган ҳисобланади.

eSIM (embedded SIM) – абонент қурилмасини виртуал идентификациялаш модули. Унинг ёрдамида абонент қурилмаси идентификацияланиши, унинг мобил алоқа тармоғидан фойдаланиш имконияти, шунингдек абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланиш истисно этилиши таъминланади. **GSM-шлюз** – кўп ёки битта каналли мобил қурилма ҳамда дастурий-техник восита. У интернет тармоқка, умумий фойдаланишдаги стационар тармоқка ва/ёки мобил оператор тармоғига уланади ҳамда тармоқ ичидағи қўнғирок/SMS ёки Ўзбекистон Республикаси ичida бошка тармоқларга қўнғирок/SMS тарификациясини таъминлаш учун абонент SIM-картаси ёки рақамидан фойдаланган ҳолда қўйидагиларни амалга ошириш имконини беради:

- VoIP каналидан ҳар қандай кирувчи халқаро қўнғирокларни GSM тармоқнинг каналларидан бирига қайта йўналтириш;

- чақирув/SMSни тармоқ ичидаги чақирув/SMS сифатида ёки ЎзР худудида бўлган бошқа тармоқларга чақирув/SMS сифатида тарифлаш учун SIM-карта/eSIM ёхуд рақамдан фойдаланган ҳолда кирувчи халқаро/маҳаллий SMS (бир марталик пароль – OTP, верификациялаш SMSлари ва х.к.)ни қабул қилиш ва қайта жўнатиш.

2. Шартнома предмети

2.1. Оператор ўз тармоғининг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатиш мажбуриятини олади, Абонент эса, Алоқа хизматлари ҳақини ушбу Шартномада белгиланган шартларда ва тартибда тўлаш мажбуриятини олади.

2.2. Алоқа хизматлари кўрсатиш учун Оператор Абонентга Келишувда (Келишувларда) кўрсатилган абонент рақами (ракамлари)ни беради.

2.3. Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларини ва бошқа алоқа хизматларини тақдим этиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, Алоҳида тоифадаги Абонент рақамини бериш шартлари ва тартиби, конструктор режимидаги маҳсус мослашувчан тарифлар, индивидуал тариф таклифлари Оператор томонидан белгиланади ҳамда Операторофисларида, Оператор Веб-сайтида ва/ёки оммавий аҳборот воситаларида маълум қилинади.

Келишув (Келишувлар), Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларини ва бошқа алоқа хизматларини тақдим этиш шартлари ва тартиби, шу жумладан, Алоҳида тоифадаги Абонент рақамини бериш шартлари ва тартиби, конструктор режимидаги маҳсус мослашувчан тарифлар, индивидуал тариф таклифлари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Алоқа хизматларини кўрсатиш тартиби

3.1. Ушбу Шартнома имзоланганидан сўнг Алоқа хизматларини кўрсатиш борасидаги Операторнинг мажбурияти Абонент дастлабки бўнак тўловини киритганидан кейин юзага келади.

Кейинчалик, Абонентнинг шахсий ҳисобварағида ижобий баланс мавжуд бўлганда Оператор Абонентга Алоқа хизматларини кўрсатишга мажбур.

Оператор ушбу Шартномага қўшимча келишув асосида Абонентга унинг шахсий (электрон) ҳисобварағида салбий баланс бўлганда ҳам Алоқа хизматларидан фойдаланиш имконини беришга ҳақли. Бунда тўлов муддати, тўловни кечикирилган режимда амалга ошириш имконияти билан Алоқа хизматларидан фойдаланиш мумкин бўлган энг узок муддат ва бошқа шартлар қўрсатилган бўлиши керак.

3.2. Абонент Алоқа хизматларидан фойдаланиши учун унда Абонент қурилмаси бўлиши керак. Абонент уланган абонент рақамларидан (SIM-карталардан) фойдаланишда ишлатмоқчи бўлган абонент қурилмаларининг тури (мобил телефон, USB-модем, электр энергияси/сув/газ ҳисоблагичлари, онлайн тўловлар терминаллари ва бошқалар) ушбу Шартномага қўшимча Келишувларда кўрсатилади. Бунда Оператор Абонентга Абонент қурилмасини тақдим этишга, шунингдек Абонент қурилмасини, аппарат ва дастурий таъминотини созлаб беришга мажбур эмас.

3.3. Оператор Келишув асосида Шартнома амал қиласиган давр учун Абонентга Оператор тармоғига кириш имкониятини таъминлай оладиган Абонент рақами ёки Алоҳида тоифадаги абонент рақамини ва SIM-картани/eSIM учун QR-код кўринишида идентификация профилини тақдим этади. Бешта ва ундан ортиқ абонент рақамлари Абонент шунча рақамга эҳтиёж борлигини ёзма равишда асослаб берганидан кейингина уланади.

3.4. Алоқа хизматлари Оператор томонидан хар куни, кеча-ю кундуз (суткасига 24 соат), танаффусларсиз кўрсатилади, факат зарур профилактика ва таъмирлаш ишлари бажариладиган вақтлар бундан мустасно.

Профилактика ва таъмирлаш ишлари олиб бориладиган, шунингдек йирик авариялар юз берган ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишга сарфланадиган вақт Алоқа хизматларини кўрсатишдаги танаффус ва (ёки) Алоқа хизматлари кўрсатишнинг белгиланган муддатларини бузиш ҳисобланмайди.

Оператор тармоғида йирик авариялар юз бериб, бунинг оқибатида Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтаб қолгарда Оператор Абонентга бу ҳақда, шунингдек Алоқа хизматлари қачон яна кўрсатила бошланиши тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали ёки Операторнинг веб-сайтида тегишли ахборотни жойлаштириш йўли билан хабар бериши шарт.

Абонент қурилмасидаги, бошқа операторлар тармоғи ускуналаридаги (шу жумладан шаҳар телефон тармоғидаги) носозликлар Хизматлар кўрсатишдаги танаффуслар ҳисобланмайди.

3.5. Абонентга Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган ягона рақамларни териш орқали кеча-кундуз исталган вақтда шошилинч тезкор хизматларни бепул чакириш имконияти таъминланади. Бу рақамлар:

- 101 – ўт ўчириш хизмати;
- 102 – ички ишлар органлари (милиция);
- 103 – тез тиббий ёрдам;
- 104 – газ тармоғи авария хизмати;
- 1050 – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кутқарув хизмати;
- 112 – ягона шошилинч хизмат.

3.6. Операторнинг Алоқа хизматлари сифати Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган техник нормаларга мос келади ҳамда Операторга берилган лицензиялар талабларига жавоб беради.

3.7. Абонентга кўрсатиладиган Алоқа хизматлари, Оператор тармоғининг конструктив хусусиятлари сабабли, Операторнинг ваколатлари доирасидан ташқарида бўлган бошқа уяли алоқа операторлари, маҳаллий симли телефон линиялари операторларининг ускуналари, халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларининг ускуналари сифатига боғлиқдир.

3.8. Абонент маҳфий сўзни айтиб, Операторнинг Маълумот бўлимидан ахборот олишга ҳақли. Абонент Маҳфий сўзни айтганида Оператор унга хизмат кўрсатиш процедураси тўғрисида тўлиқ маълумот бериш мажбуриятини олади.

3.9. Қуйидаги ҳолатлар оқибатида алоқа сифати ёмонлашса ёки алоқа узилса, бунинг учун Оператор жавобгар бўлмайди:

- а) радиотўлқинлар табиий тарзда тарқалиши ва устма-уст келиб қолиши;
- б) Абонент электр узатиш линиялари, бинолар яқини ёки ичида, ер ости йўлларида, ертўлаларда ва бошқа ер ости иншоотларида бўлиши;
- в) рельеф ва қурилишларнинг маҳаллий хусусиятлари;
- г) маҳаллий симли телефон линиялари операторлари ҳамда халқаро ва шаҳарлараро алоқа операторларига тегишли ускуналарнинг техник тавсифлари ва ҳолати, метеорологик шарт-шароит таъсирида;
- д) Абонент носоз (белгиланган талабларга жавоб бермайдиган) Абонент қурилмасидан ёки ишлаб чиқарувчи ёхуд Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган ёки модификацияланган ёхуд созловлари Оператор тавсияларига мос келмайдиган Абонент қурилмасидан фойдаланиши;
- е) Оператор билан келишмасдан ўзгартирилган (алмаштирилган, модификацияланган) SIM-картадан фойдаланилиши;
- ё) eSIM Абонентнинг хатти-харакатлари натижасида ўзгартирилган, алмаштирилган, модификацияланган, шикастланган абонент қурилмасида қўлланилганда;
- ж) Оператор таъсир кўрсата олмайдиган ёхуд олдиндан билолмайдиган бошқа сабаблар туфайли, шу жумладан ушбу Шартноманинг 3.7-бандида кўзда тутилган ҳолларда.

3.10. Оператор Абонентнинг сўрови асосида Контент-провайдер томонидан Оператор тармоғи орқали тарқатиладиган Контентнинг сифати (такдим этилмаслиги, ўз вақтида етиб

бормаслиги ва мазмуни) учун жавоб бермайди.

3.11. Оператор учинчи томон етказиб берган ва Оператор тавсия қилмаган амалий дастурий таъминот тўғри ишлашини кафолатламайди ва бунинг учун жавобгар бўлмайди, “Интернет” тармоғида ўрнатилган маълумот серверларининг ишга яроклилиги ҳамда Абонент қурилмасининг амалий дастурий таъминоти бундай серверларнинг дастурий таъминоти билан мос келиши учун жавоб бермайди.

3.12. Абонент Алоқа хизматларидан Шахсий мақсадлардагина фойдаланиши шарт. Бунда Абонентга қуйидагилар тақиқланади:

а) Абонент рақамидан лотереялар, овоз беришлар, танловлар, викториналар, реклама, сўроқлаш тадбирлари, Оператор билан келишилмаган оммавий хабар жўнатишларда, қатъий белгиланган алоқа, Интернет-телефония тармоқларига кириш шлюзларини ўрнатишда ҳамда Абонент ускунасининг ва (ёки) алоқа қурилмаларининг иш қобилияти бузилишига олиб келувчи бошқа тадбирларни ўтказишида фойдаланиш;

б) учинчи шахсларга Оператор тармоғига уланган SIM-картадан GSM-шлюзлар орқали ва/ёки унга бир ёхуд бир нечта телефон аппаратини ёки ташқи мини-АТС линиясини улаш имконини берувчи бошқа қурилмалар орқали фойдаланиш ҳуқукини бериш;

в) ўзининг Абонент қурилмасидан дастурий таъминотни тарқатиш, IP-манзилларни сохталаштириш мақсадида Алоқа хизматларидан фойдаланиш, Оператор ва (ёки) Оператор билан боғлиқ учинчи шахсларнинг тармоғи нормал ишлашига тўскинлик қилувчи хатти-харакатларни содир этиш, Алоқа хизматларидан GSM-шлюзларда ва қатъий белгиланган алоқа тармоғига, Интернет-телефонияга кириш шлюзларида фойдаланиш.

3.13. Абонент Шартномани ўзи истаган вақтда бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли. Лекин Абонент бу ҳақда Операторни камида 10 (үн) иш куни олдиндан хабардор қилиши ҳамда Алоқа хизматлари учун Оператор олдидағи мавжуд қарзини узиши шарт.

3.14. Оператор қуйидаги ҳолларда Шартномани бир томонлама тартибда бекор қилишга ҳақли:

а) Абонент Бўнак тўловини Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатилган санадан бошлаб сурункасига 90 кун мобайнида амалга оширмагандан (қарзни сўндиримагандан);

б) Абонент мобил алоқа хизматларидан фойдаланиш ҳуқукини берувчи транзакцияларни сурункасига 90 кун мобайнида амалга оширмагандан;

в) ижро учун имконият бўлмагандан (Оператор тармоғига кириш имконини беришнинг ёки Абонент сўраган Алоқа хизматларини кўрсатишнинг Техник имкониятидан маҳрум бўлингандан);

в) Абонент Шартномада белгиланган Алоқа хизматларидан фойдаланиш қоидаларини бузганда, хусусан бунга GSM-шлюзлардан фойдаланиш сабаб бўлганда, Оператор тармоғида товушли трафикни узатиш тартибини бузганда. Бунда Абонент Операторга етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади;

г) Абонент тутатилганда;

д) давлат органининг ҳужжати қабул қилиниб, бунинг оқибатида Тарафлар ўз мажбуриятларини бажаришлари имконсиз бўлиб қолганда;

е) ушбу Шартномада ва (ёки) Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.

3.15. Абонент ходимларининг абонент маълумотлари базасига киритилган шахсий маълумотлари, шу жумладан телекоммуникация сири хисобланувчи маълумотларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органларининг сўровига кўра тақдим этиш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

3.16. Оператор Абонент ходимларининг шахсий маълумотларига ишлов беришни Шартнома имзоланган вақтдан бошлаб Оператор Абонент ҳақидаги ва кўрсатилган хизматлар

тўғрисидаги ахборотни саклаши шарт бўлган муддат тугагунича қилиб белгиланадиган муддат мобайнида амалга оширади.

4. Операторнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Оператор кўйидаги хукукларга эга:

4.1.1. Ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда янги Тариф режаларини (Хизматларни) жорий этиш ва (ёки) Хизматлар кўрсатишнинг (Тарифларнинг) амалдаги шартларига ўзгартишлар киритиш орқали Алоқа хизматларини кўрсатиш шартлари, шу жумладан Тариф режаларининг шартларини белгилаш.

4.1.2. Абонент Шартнома шартларини, жумладан Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатларини бузган ҳолларда, Абонент GSM-шлюзлардан фойдаланаётгани белгиларини мустақил равишида ёки бошқа операторларнинг маълумотлари асосида аниқлаган тақдирда Алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиб қўйиш. Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддатлари бузилгани учун Алоқа хизматларини кўрсатиш тўхтатиб қўйилганда Абонентнинг шахсий ҳисобварагида салбий баланс юзага келган вақтдан бошлаб 90 календарь кун мобайнида қарз узилган тақдирда Алоқа хизматлари яна тақдим этила бошланади.

4.1.3. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагидаги мавжуд пул маблағларини Абонентнинг бошқа барча Шахсий (электрон) ҳисобваракларидағи қарздорликни сўндириш учун чиқарип олиш.

4.1.4. Радиотелефон орқали уланишнинг максимал давомийлигини белгилаш (чеклаш).

4.1.5. Абонент маҳсус тарифлар (тариф режалари) ёки хизматлар тўпламларидан Оператор белгилаган талабларга хилоф равишида ноўрин фойдалангани аниқланган ҳолларда, Абонентни 15 календарь кун олдин огоҳлантириб, уни бошқа тариф режасига ўтказиш.

4.1.6. Абонент товушли трафикни узатиш тартибини бузганлиги аниқланган ҳолларда Абонентга хизматлар кўрсатишни тўхтатиш.

4.2. Операторнинг мажбуриятлари кўйидагилардан иборат:

4.2.1. Ушбу Шартнома амал қиласидаги давр учун Абонентга Абонент рақами ёки Алоҳида тоифадаги Абонент рақами ва SIM-карта бериш/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профилини тақдим этиш..

4.2.2. Абонентга сифати ваколатли органлар белгилайдиган параметрларга (уланиш, маълумот жўнатиш, алоқани узиш борасида), шунингдек Оператор тармоғида қўлланиладиган стандарт техник нормаларга мос келувчи Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.3. Абонент Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган вақтда унга Алоқа хизматларини кўрсатиш.

4.2.4. Абонентга Оператор кўрсатадиган Алоқа хизматлари ҳакида тўғри ахборот бериш.

4.2.5. Алоқа хизматлари кўрсатилиши давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш.

4.2.6. Абонентга қонунчиликда кўзда тутилган тартибда ахборот-маълумот хизматларини кўрсатиш.

4.2.7. Оператор Ўзбекистон Республикасининг ва хорижий давлатларнинг бошқа алоқа операторлари билан тегишли Шартномалар тузган бўлса, Абонентга бу тармоқлар аборентлари

билин радиотелефон орқали уланишни таъминлаш. Ушбу шарт факат Абонент мазкур хизматни мустакил фаоллаштирган тақдирда ёки агар бу хизмат Абонент танлаган Тариф режасига киритилган бўлса, кучга эгадир.

4.2.8. Алоқа хизматлари ҳаки тўланмагани учун Оператор тармоғидан узиб қўйилган Абонентни унинг шахсий ҳисобварагида салбий баланс юзага келган вақтдан бошлаб 90 календарь кун ичида фойдаланилган Алоқа хизматлари ҳакини тўлашга доир қарзлар тугатилиб (сўндирилиб), Абонент танлаган Тариф режасига мувофиқ микдорда бўнак тўлови киритилгач, Оператор тармоғига улаш.

4.2.9. Хизмат кўрсатиш ҳудудида мобил алоқа тармоғи қўлланилаётган стандартнинг техник нормалариға мувофиқ ишлишини ҳамда Абонентга шошилинч тезкор хизматларни кеча-кундуз белуп чакириш имкониятини таъминлаш

4.2.10. Ушбу Шартномани бажариш давомида Операторга маълум бўлган Абонент Шахсий маълумотларини ҳимоялаш чораларини кўриш.

5. Абонентнинг хукуқ ва мажбуриятлари

5.1. Абонент қўйидаги хукуқларга эга:

5.1.1. Мазкур Шартнома шартларига биноан Алоқа хизматларидан фойдаланиш.

5.1.2. Оператор офислари, уларнинг иш вақти ва Оператор кўрсатадиган Алоқа хизматлари тўплами ҳакидаги зарур ва тўғри маълумотлардан фойдаланиш.

5.1.3. Ҳисоб-китоблар тартибини, Тариф режасини, кўрсатилаётган Алоқа хизматлари тўпламини Операторнинг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, Оператор белгилаган тартибда ўзgartириш.

5.1.4. Оператор тармоғига уланишда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида, ушбу Шартномада белгиланган шартлар ва тартибда, Оператор талабларига мувофиқ тарзда Абонент қурилмасидан фойдаланиш.

5.1.5. Ўзига Алоқа хизматлари кўрсатишни тўхтатиш тўғрисида Операторни ўз ташабbusи билан хабардор қилиш.

5.2. Абонентнинг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

5.2.1. Алоқа хизматларидан фойдалана бошлашдан олдин долзарб Алоқа хизматлари рўйхати, Тариф режалари, Алоқа хизматлари учун тарифлар (шу жумладан Роумингдан фойдаланганда қўлланиладиган Алоқа хизматлари тарифлари) ҳамда Оператор ва у тақдим этаётган алоқа хизматлари ҳакидаги бошқа зарур маълумотлар билан танишиш.

5.2.2. Ўзбекистон Республикасида белгиланган стандартларга жавоб берадиган Абонент қурилмасидан уни ишлаб чиқарувчининг фойдаланиш бўйича йўриқномасига мувофиқ фойдаланиш. Бунда қўйидагилар ҳисобга олиниши керак:

а) муайян ҳудудда (аэропорт, самолёт, антенна майдони, метрополитен ва ҳ.к.) амалда бўладиган алоҳида фармойишлар ва қоидалар;

б) халал берувчи шовқин ёки хавфли вазият юзага келиши эҳтимоли бор ҳолатлардаги чекловлар: тиббиёт муассасалари, техник хизмат кўрсатиш станциялари, ёнилғи сақланадиган ва ортиладиган ҳудудлар, портлаш ишлари олиб борилаётган жойлар ва ҳ.к.;

Оператор бу чекловлар ва талаблар тўғрисида Абонентни хабардор қилишга мажбур эмас.

5.2.3. Алоқа хизматлари ҳақини Шартнома шартларига биноан ҳисоб-китобларнинг амалдаги тартиби, танланган Тариф режаси, Алоҳида хизматлар тўпламлари ҳамда сотиб олинаётган Алоқа хизматлари рўйхатига мувофиқ ўз вақтида ва тўла ҳажмда тўлаб бориш.

5.2.4. Операторга хужжатлар билан тасдиқланган Абонент ҳақидаги маълумотларни, хат-хабарларни етказиш учун аниқ электрон ва/ёки поча манзилини, банк реквизитларини ҳамда Шартнома ижро этилиши учун керакли бошқа маълумотларни Операторга у белгилаган ҳажмда тақдим этиш.

Ушбу бандда кўрсатилган маълумотлар ўзгарган тақдирда шундай ўзгаришлар санасидан бошлаб 15 (ўн беш) календарь кун мобайнида Операторга янги маълумотларни ёзма шаклда тақдим этиш.

Оператор тегишли хабарни олган санадан бошлаб, Алоқа хизматлари Абонентнинг поча манзили ҳақидаги янги маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўрсатилади

5.2.5. Ҳукуқларни таъсис хужжатлари ёки қонунда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома асосида иш олиб борувчи вакил орқали амалга ошириш.

5.2.6. SIM-карта/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили йўқолгани тўғрисида Операторга Ахборот-маълумот маркази (Call-центр) орқали дарҳол хабар бериб кейинчалик Операторнингофисига ёзма ариза тақдим этиш.

Агар Абонент бу шартларга риоя этмаса, токи Оператор SIM-карта/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили йўқолгани ва хизматлар кўрсатиш тўхтатилиши кераклиги тўғрисида Абонентнинг аризасини олгунинг қадар йўқолган SIM-карта бўйича кўрсатилган Оператор хизматлари ҳақини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасига тушади.

5.2.7. SIM-картада/eSIMда шифрланган ва Операторнинг тижорат сири ҳисобланувчи ахборотни учинчи шахслар ололмаслигини таъминлаш, SIM-картада/eSIMда шифрланган маълумотлар билан қўйидаги хатти-харакатларни амалга оширмаслик ҳамда учинчи шахсларга ҳам бундай имкониятни бермаслик: ахборотни ўзгартириш, чиқариб олиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, тарқатиш, бошқа ахборот ташиш воситаларига ўтказиш, бошқа ҳукуққа қарши хатти-харакатлар.

5.2.8. SIM-картанинг/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профили дубликатларини тайёрламаслик, шунингдек учинчи шахслар томонидан шундай ҳаракатлар содир этилишига йўл қўймаслик. Абонент бу мажбуриятни бажармаган тақдирда, унинг айби билан Оператор ва у билан боғлиқ шахслар кўрган заарларни Абонент тўлашга мажбур бўлади.

5.2.9. Абонент рақами (SIM-карта/eSIM)дан фойдаланишда Келишувда тури кўрсатилмаган абонент курилмасини қўлламаслик.

6. Алоқа хизматларининг тарифлари ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби

6.1. Тариф режаларининг шартлари, Алоҳида хизматлар тўпламларининг ва бошқа Алоқа хизматларининг тарифлари, жумладан Алоҳида тоифадаги абонент рақамини бериш, конструктор режимидаги махсус мослашувчан тарифларни тақдим этиш шартлари ва тартиби, шунингдек радиотелефон орқали уланиш давомийлиги, Алоқа хизматлари нархлари бирлиги ҳамда тўлиқсиз нархлаш бирлиги учун ҳақ тўлаш тартиби Оператор томонидан мустақил равишда белгиланади.

6.2. Тариф режалари (Тарифлар)нинг шартларига ўзгартишлар Оператор томонидан бир томонлама тартибда киритилади. Бу ҳақдаги тегишли маълумот Операторнинг веб-сайтида ёки оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади ёхуд Оператор учун мақбул бўлган бошқа усулда Абонентларга етказилади.

Тариф режалари (Тарифлар)га киритилган ўзгартишлар тегишли ахборот Операторнинг веб-сайтида жойлаштирилганидан (эълон қилинганидан) кейин 10 (ўн) кун ўтгач кучга киради.

6.3. Алоқа хизматларининг тарифлари Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда белгиланади. Кўрсатилган Алоқа хизматлари учун барча тўловлар (дастлабки бўнак тўлови, бўнак тўловлари, мавжуд қарзни сўндириш учун тўловлар) Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади ва Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида акс эттирилади.

Алоқа хизматлари учун тўланган пул маблағларини Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида акс эттириш ва уларни ҳисобдан чиқариш тартиби Оператор томонидан белгиланади.

6.4. Алоқа хизматлари қиймати қўшилган қиймат солиғини ҳам ўз ичига олади, лекин конунчиликда бошқа ҳолат кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Абонент қуидаги тўловларни амалга оширади:

6.5.1. Абонент тўлови;

6.5.2. Оператор тармоғида радиотелефон орқали чиқувчи уланишлар ва бошқа операторларнинг рақамларига радиотелефон орқали чиқувчи уланишлар;

6.5.3. маълумот узатиш тармоғи бўйича уланишлар (кейинги ўринларда – алоқа сеанслари);

6.5.4. Роумингда радиотелефон орқали чиқувчи ва кирувчи уланишлар;

6.5.5. чиқувчи СМСлар;

6.5.6. бошқа хизматлар, шу жумладан Контент-провайдерлар ва бошқа учинчи шахслар томонидан Оператор тармоғи орқали тақдим этиладиган хизматлар.

6.6. Тўлов радиотелефон орқали уланишлар/алоқа сеансларининг давомийлигига ҳамда радиотелефон орқали уланиш/алоқа сеансининг тегишли турига қараб, Алоқа хизматларини кўрсатиш вақтида амалда бўлган Тариф бўйича амалга оширилади.

6.7. Ушбу Шартнома бўйича алоқа хизматларининг умумий қиймати 1950 000 сўмни, КҚС билан 15% 254348 Жосеюз эмисийнин ўзига тартиб берилган сўмни ташкил қиласди.

6.8. Абонент Алоқа хизматлари ҳақини Операторнинг банк ҳисобварагига нақдсиз шаклда қуидаги тартибда тўлайди:

а) ушбу Шартноманинг 6.7-бандида кўзда тутилган Алоқа хизматлари йиллик қийматининг 15% микдоридаги дастлабки бўнак тўлови ушбу Шартнома унинг 9.8-бандида белгиланган тартибда рўйхатга олинган вақтдан бошлаб 14 (үн тўрт) календарь кун мобайнида амалга оширилади.

Дастлабки бўнак тўлови киритилмаслиги Абонент ушбу Шартномани бажаришни рад этганлигини билдиради;

б) Алоқа хизматлари учун кейинги тўловлар Абонент томонидан ҳар ойда, Оператор тугаган ой учун тўловнома-фактура тақдим этган вақтдан бошлаб 5 (беш) календарь кун ичига амалга оширилади.

6.9. Тўловнома-фактурада Алоқа хизматлари қиймати ва қўшилган қиймат солиғининг суммаси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда кўрсатилади.

Тўловнома-фактура электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида электрон шаклда расмийлаштирилади.

Абонент электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида Оператор томонидан расмийлаштирилган, жумладан тўлови Кафиллик шартномасига мувофиқ Кафил томонидан амалга ошириладиган хизматлар бўйича тўловнома-фактураларни ўз вақтида тасдиқлаши шарт.

6.10. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагидан Операторнинг АҲҚТда ҳисобланадиган суммалар Оператор белгилаган тарифларга ва Абонент томонидан танланган тариф режаси шартларига мувофиқ автоматик тарзда ечиб олинади.

6.11. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида салбий баланс юзага келганда Оператор Абонентга Алоқа хизматлари кўрсатилишини тўхтатиб туришга, жумладан давом этаётган сухбатни узиб қўйишга ҳақли.

6.12. Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагидаги маблағларни у фойдаланаётган Алоқа хизматлари миқдорида дарҳол ечиб олишнинг имкони бўлмайдиган ҳолларда фойдаланилган Алоқа хизматлари учун ҳисобланган тўловлар кечикирилган режимда тўпланади. Агар Абонент Шахсий (электрон) ҳисобварагининг баланси тўпланган суммалар қайта ҳисобланганидан кейин салбий кўрсаткичга эга бўлса, Тарафлар Абонентнинг Оператор олдидаги бундай қарзини баҳс-мунозарасиз карздорлик деб белгилайдилар.

6.13. Ушбу Шартнома бекор қилинган тақдирда, фойдаланилмаган ва Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида турган сумма Таққослаш далолатномаси асосида уни ҳар икки Тараф имзолаган санадан бошлаб 15 (үн беш) календарь кун ичida Оператор томонидан Абонентнинг банкдаги ҳисобварагига нақдсиз шаклда қайтарилади.

Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагида қолган (сарфланмаган) сумма Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда қайтарилади.

Ушбу Шартнома бекор қилинадиган ҳолларда:

- а) Оператор тармоғига кириш имкони берилгани учун тўлов қайтарилмайди;
- б) ўтказилаётган акциялар доирасида Оператор томонидан таклиф қилинган бонуслар пул эквивалентида тўланмайди;
- в) Абонентнинг мулки бўлган Абонент қурилмаси сотиб олинмайди;
- г) олинган Алоҳида тоифадаги абонент рақамини танлаш хизмати учун тўланган маблағ қайтарилмайди.

6.14. Абонент Операторга ёзма равишда мурожаат қилиб, фойдаланилган Алоқа хизматлари хамда Шахсий (электрон) ҳисобваракдан сарфланган маблағлар ҳақидаги батафсил маълумотларни Оператор белгилаган тарифлар бўйича олишга ҳақли.

6.15. Абонент ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган, лекин ҳақи тўланмаган Алоқа хизматлари учун Оператор томонидан ҳисобланган барча суммаларни сўзсиз эътироф этади.

6.16. Абонентнинг Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш борасидаги мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш мақсадида учинчи шахс (кафил) билан кафиллик шартномаси (Оператор тасдиқлаган намунавий шаклда) тузилиши мумкин. Бу Шартномага кўра, учинчи шахс (кафил) Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш борасида Абонентнинг Оператор олдидаги мажбуриятлари бўйича жавоб бериш мажбуриятини олади. Оператор ва Абонентнинг кафил билан муносабатлари кафиллик шартномаси шартлари хамда кафиллик тўғрисида амалда бўлган қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ тартибга солинади.

6.17. Абонент унинг бошқа барча Шахсий (электрон) ҳисобваракларидаги қарздорликни ёки аввалги Шартномалар бўйича мавжуд қарздорликни сўндириш учун Оператор Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисобварагидаги мавжуд пул маблағларини чиқариб олишига ўз розилигини беради.

7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Оператор ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим тарзда бажармаган тақдирда, Абонентнинг талабига кўра, Абонент талаб қилган санадан бошлаб 20 кундан

кечикмай, камчиликларни бартараф этиши шарт. Бунда Оператор кўрилган заар ўрнини қопламайди ва бошқа бирон тўловни амалга оширайди.

7.2. Оператор тақдим этган тўловнома-фактуралар бўйича алоқа хизматлари ҳақини тўлаш муддати кечиккан тақдирда Абонент Операторга кечиккан тўлов суммасининг 0,1% миқдорида, лекин кечиккан тўлов суммасининг 50%дан ошмайдиган ҳажмда пеня тўлайди. Неустойкани ундириш Тарафларнинг хуқуки, лекин ушбу Шартнома бўйича сўзсиз бажарилиши шарт бўлган мажбурият эмас.

7.3. Абонент SIM-картани/eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профилини йўқотиб кўйган тақдирда (йўқотган, ўғирлатган ва бошқа ҳолларда) токи Оператор Абонентдан SIM-карта/ eSIM учун QR-код кўринишидаги идентификация профилини йўқолгани тўғрисида ёзма ариза олгунига қадар, Алоқа хизматлари ҳақини тўлаш мажбурияти Абонент зиммасида бўлади.

7.4. Абонент телекоммуникация соҳасидаги фаолиятни тартибга солувчи талаблар ва нормалар, шу жумладан Операторнинг SIM-картаси/абонент курилмасининг eSIM виртуал идентификатори GSM-шлюзларга ноқонуний улангани учун жавобгар бўлади.

7.5. Тарафлар олинмай қолган фойда тарзида кўрилган заар қопланиши учун жавобгар бўлмайдилар.

7.6. Операторнинг SIM-картасидан GSM-шлюзлар ва бошқа рухсат этилмаган курилмаларда ноўрин фойдаланилиши, шунингдек электрон тўловнома-фактуралар ахборот тизимида Оператор расмийлаштирган тўловнома-фактуралар кечикиб тасдиқлангани ёки тасдиқланмагани натижасида Оператор кўрган зарарни Абонент қоплаши шарт.

7.7. Ушбу Шартномада кўзда тутилган тартибда тарқатилган тарифлар ўзгаргани тўғрисидаги ахборот Абонент томонидан олинмагани учун Оператор жавобгар бўлмайди.

7.8. eSIM фаоллаштирилганда ва ундан фойдаланилганда Оператор Абонент қурилмаси учун жавобгар бўлмайди.

8. Эътиrozларни кўриб чиқиш ва низоларни ҳал этиш тартиби

8.1. Оператор ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим тарзда бажармаган ҳолларда Абонент Операторга эътиroz билдириши мумкин. Оператор эътиrozни у келиб тушган санадан бошлаб ўн беш кўнда, материаллар қўшимча ўрганилиши керак бўлган ҳоллада эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши шарт.

8.2. Абонент Алоқа хизматларидағи камчиликлар билан боғлиқ ўз эътиrozларини 6 (олти) ойдан кечикмай тақдим этиши лозим.

8.3. Ушбу Шартноманинг ижроси билан боғлиқ барча низолар ва келишмовчиликларни Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига ҳамда ушбу Шартнома шартларига мувофиқ, келишув процедуралари йўли билан ҳал қиласидилар. Келишувга эришилмаган низолар Оператор жойлашган манзилдаги судларда кўриб чиқилади. Судга мурожаат қилишдан олдин суддан олдинги эътиroz билдириш тартибига риоя этилиши шарт.

9. Бошқа шартлар

9.1. Тарафлар уларнинг ушбу Шартномани имзолаган вакиллари мазкур Шартномани тузиш ва ундан келиб чиқувчи, лозим тарзда расмийлаштирилган, тўлиқ кучга эга ва амалда бўлган барча мажбуриятларни бажариш учун ваколатга ҳамда барча зарур ижозатларга эгалигини тасдиқлайдилар ва кафолатлайдилар.

9.2. Тарафларнинг ҳеч бири ушбу Шартнома бўйича ўз хукуқ ва мажбуриятларини иккинчи Тарафнинг ёзма розилигисиз учинчи тарафга беришга ҳақли эмас.

9.3. Тараф унинг манзили, шунингдек банк ва бошқа реквизитлари ўзгарган тақдирда шу ўзгариш вактидан бошлаб 15 (үн беш) календарь кун ичидаги бошқа Тарафни хабардор қилишга мажбур. Бу мажбурият бажарилмаган тақдирда аввалги реквизитлар бўйича ижро ушбу Шартнома доирасида мажбуриятлар лозим тарзда бажарилиши ҳисобланади.

9.4. Ушбу Шартномада кўзда тутилмаган барча ҳолатларда Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига таянадилар.

9.5. Тарафлар ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ ёки ундан келиб чиқувчи барча хабарлар ва билдирувномаларни ўзбек тилида тузишлари ва бир-бирларига қуидаги тарзда юборишлари керак:

а) ушбу Шартнома тарафининг ваколатли ёки бошқа ҳар қандай ходимига шахсан топшириб, бу ҳақда тилхат олиш;

б) бундай имконият йўқ бўлса, топширилгани хақида хабар бериладиган буюртма хат билан жўнатиш;

в) электрон почта орқали юбориш.

9.6. Ушбу Шартнома Тарафларнинг хоҳиш-иродасига кўра бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада, ўзбек тилида тузилди.

9.7. Ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати 20 22 йил “16 Октябрь” дан 20 22 йил 31 декабрчага.

9.8. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг нормаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида (фазначилик бўлинмаларида) рўйхатга олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

10. Шартнома Тарафларининг реквизитлари

ОПЕРАТОР	АБОНЕНТ
<p>«UMS» МЧЖ Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент, Юнусобод тумани, Амир Темур шохкўчаси, 24 СТИР: 303020732 ОКЭД 61200 М.ў.</p> <p></p>	<p><i>Булар ёзган ахборай ва омовини</i> <i>коллекционерлар бошфориси</i> <i>Лерини ўз борни маъл овлоғ кўз зори</i> <i>ж.р. № 2340000300 1000000 ин. № 28122195</i> <i>чуб. Рес. Ўзбекистони Миро 00014</i> <i>некр. 9000218 602240 170897 00134021</i> <i>ин. № 200498355 тел: 22-3-08-75</i> <i>М.ў.</i> <i>Гашмид</i> <i>З. Н. Надирбеков</i></p> <p></p>